

الحكم تقود إلى السعادة

«Хикматлар – саодатга етаклар»

Учинчи китоб

Тузувчи ва таржимон:
Анвар Аҳмад

Тошкент:
2015 йил

ТАҚДИМ

Ўзининг илохий ҳикмати илин инсонни ҳикматга қобилиятли ва мойил қилиб яратиб, бу билан уни бошқа маҳлукотлардан имтиёзли қилган, унга Ўз даргоҳидан ҳикматлар илҳом этган, энг олий ҳикматларни вахий қилиб юборган, ҳар бир иши ҳикматли бўлган Ҳаким Зот – Роббимиз Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога Ўзининг ҳикматлари кўламича ҳамду санолар бўлсин!

Ҳаким Зотнинг энг ҳаким бандаси, инсониятга ҳикматни – суннатни ўргатган, ўлмас ҳикматлар қолдирган, бутун ҳаёти тўлалигича ҳикмат бўлган, башариятнинг ҳакими, севикили Расулимиз Мухаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга айтган ҳикматлари ададиша салавоту саломлар бўлсин!

Ҳикматга ошиқ бўлган, қалблари ҳикмат нурига тўлган, бутун ҳаётини ҳикмат асосида куришга интилган ҳикматли бандаларга Аллоҳнинг ризоси ва раҳмати бўлсин!

Аллоҳ таоло инсонни бошқа мавжудотларни яратганидек, «Бўл!» деган амр билан эмас, балки Ўз қўли билан яратиб, унга Ўз хузуридан рух пуллаган. Шунинг учун инсон бошқа бирор жонзоротда топилмайдиган хусусиятларга эга бўлди. Инсонни бошқа маҳлукотлардан фарқлаб турадиган ана шундай хусусиятларидан бири – унинг ҳикматга ошнолигидир. Инсоннинг ҳикматга бўлган интилиши ундаги ақл жавҳарига бевосита боғлиқдир. Аммо ҳикмат инсоннинг фақатгина ақлий қобилиятининг маҳсули эмас. У кўпроқ рухнинг маркази бўлмиш қалба боғлиқдир. Бошқача қилиб айтганда, унинг булоғи ҳам қалб, сингадиган ўрни ҳам қалбидир. Инсоннинг қалби қанчалик мусаффо бўлса, ҳикматга шунча кўпроқ мойил бўлади, уни яхшироқ сингдиради ва ўзи ҳам аста-секин ҳикмат булоғига айланиб боради. Ана шундай қалб эгаси ҳаким дейилади.

Хўш, ҳикмат ўзи нима? Унинг мазмун-моҳияти нимадан иборат?

«Ҳикмат» арабча сўз бўлиб, «мустаҳкамлик», «ман қилиш», «донишмандлик», «оқилоналиқ», «хўкм» маъноларини билдиради. Уламолар ҳикматга турлича таъриф берганлар.

Ибн Мурдавайҳ Ибн Аббос розияллоҳу анхумодан нақл қиласи: «Ҳикмат – ақл, фахм ва топқириликдир».

Роғиб айтади: «Ҳикмат – илм ва амалда ҳақиқатни топишдир».

Абу Ҳайён айтади: «Ҳикмат – одамлар ваъз оладиган, ўзларига танбеҳ оладиган ва бир-бирларига айтиб юрадиган мантиқдир».

«Ал-Муъжамул-васит» китобида шундай дейилади: «Ҳикмат – энг афзал илмлар асосида ишларнинг энг афзалини билиш, тушуниб етишдир».

Ҳакимларнинг кўплари ҳикматга қуидагича таъриф беришади: «Ҳикмат – нарсаларнинг ҳақиқатини инсоннинг имконияти етадиган даражада асл ҳолида билишдир».

«Ҳикмат» сўзи бизнинг тилимизда ҳам юқоридагига яқин маъноларда ишлатилади. Донишмандликка, оқилона гап-сўзларга, иш-холатларнинг сир-асрорларига нисбатан ҳам айнан ҳикмат сўзи қўлланилади.

Инсоният тарихида ўзининг ҳикматли гаплари билан ном чиқарган биринчи зот Довуд алайҳиссалом ҳисобланадилар. Ҳикмат билан танилган, ҳакимларнинг устози деб тан олинган буюк шахс – Луқмон Ҳаким ҳам Довуд алайҳиссаломнинг шогирди ҳисобланади. Аллоҳ таоло Куръони Каримда Луқмон Ҳаким ҳақида шундай дейди:

«Батахқиқ, Биз Луқмонга Аллоҳга шукр қилгин дея ҳикматни бердик. Ким шукр келтирса, фақат ўзи учун шукр келтиради. Ким қуфр келтирса, албатта, Аллоҳ Ғаний ва мақтоворга сазовор Зотдир» (Луқмон сураси, 12-оят).

Аллоҳ таолонинг Луқмонга ҳикмат неъматини берганини алоҳида таъкидлаши, унинг ҳакимлигини макташи, айрим ҳикматли сўзларини сиз билан бизларга насиҳат ўлароқ келтириши, Куръони Каримдаги бир сурани унинг номи билан аташи – барча-барчаси Аллоҳ таолонинг хузурида ҳикматнинг нақадар юксак эътибори борлигини кўрсатади.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Куръони Каримда пайғамбарлик вазифаларидан бири – кишиларга ҳикматни ўргатиш эканини очиқ айтиб қўйган:

«Шунингдек, ичингизга ўзингиздан, сизларга оятларимизни тиловат қиласидиган, сизларни покладиган, сизларга китобни, ҳикматни ва билмайдиган нарсаларингизни ўргатадиган Расул юбордик» (Бақара сураси, 151-оят).

Ҳа, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбарлик ҳаётидаги асосий вазифаларидан бири инсонларга ҳикматни ўргатиш бўлган. У зотнинг суннатлари тўла ҳикматдир. Сўзлаган сўzlари ҳам, қилган ишлари ҳам, ҳатто сукутлари ҳам ҳикматдан иборат эди. Шу боис, муфассир уламоларимиз оятдаги «ҳикмат»ни «суннат» деб тафсир қилганлар. Дарҳақиқат, ҳикматнинг энг олий намуналари Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларида акс этган.

Ҳикмат деганда биринчи бўлиб инсоннинг ўз Яратувчисини таниши тушунилиши лозим. Имом Ғаззолий айтади: «Ҳамма нарсани билган, лекин Аллоҳни танимаган кишини ҳаким деб бўлмайди, чунки у энг улуғ ва энг афзал маърифатдан маҳрумдир».

Ҳикмат инсоннинг ҳаётини тартибга солишга, унинг осойишта, сермазмун ва сермаҳсул ҳаёт кечиришига, хато-камчиликлардан, тойилишлардан холи бўлишга хизмат қилувчи юксак билимдир. Ҳикмат инсоннинг ақлини чархлади, заковатини оширади. Ҳикмат билан иш тутиш инсоннинг оиласидаги, жамиятдаги, ҳатто ўз наздидаги мартабасини қўтаради. Ҳикматлар инсонга ҳаёт тажрибасининг тайёр холосасини тақдим қиласиди.

Бир ҳакимдан: «Инсон бир неча юз йил умр кўриши мумкинми?» деб сўрашибди. У: «Ҳа», деб жавоб берибди. «Қандай қилиб?» дейишибди. Шунда ҳаким: «Китоб ўқиб. Китоб бир инсоннинг бир неча йил, балки бир умрлик тажриба ва билимларининг холосаси ўлароқ дунёга келади. Уни ўқиган киши ўшанча умр кўрган хисобланади», деб айтган экан.

Инсонга ана шундай асрларга татигулик умр баҳш эта оловчи китоблар ичидаги энг кимматлиси, шубҳасиз, ваъзу-ҳикматга доир асарлардир. Бинобарин, ҳикматларни ўзига сингдира билган одам минг йиллаб умр кўргандек тажрибага эга бўлади. Зеро, айрим ҳикматлар бутун бир инсон умрининг холосаси ўлароқ дунёга келган. Бундай ҳикматларни ўрганган киши ўша ҳикматларни айтган инсонларнинг умрича ҳаёт кечиргандек бўлади.

Ислом уммати ҳикматни ўрганишга, уни ҳаётда акс эттиришга, ҳар бир иш ортидаги ҳикматларни очиб беришга қадимдан интилиб келган. Жумладан, улуғ аждодларимиз ҳам ҳақиқий ҳикматпарвар, ҳикматга шайдо инсонлар бўлишган. Шунинг учун ҳам улуғ бобокалонларимизнинг илмий меросларида дунёдаги энг гўзал ҳикматлар акс этган. Бунинг натижаси ўлароқ, ҳалқимизда ҳикматли сўзларга бўлган қизиқиш бошқа ҳалқларга қараганда анча юқори даражада туради. Ушбу ҳақиқатни яхши анлаган устоз Анвар Аҳмад жаноблари араб адабиётларидан юзлаб ҳикматларни тўплаб, уларни ўзбек тилига таржима қилиб, www.arabic.uz сайтининг «Тасвирдаги ҳикматлар» бўлимида мунтазам бериб боришни йўлга кўйдилар. Бундан кўпчилик ўкувчилар мамнун бўлишди, кўплаб яхши фойдалар олишди. Бу олқишилардан илҳомланган мухтарам таржимонимиз интернет оламига сайр қилиш имкони бўлмаган ўкувчиларга ҳам ушбу гавҳарлардан баҳраманд қилиш ниятида мазкур ҳикматларни рисола шаклида чоп этишга қарор қилдилар. Кўлингиздаги китобча ушбу хайрли ишда қўйилган илк қадам, ўзига хос дебочадир.

Бугунги кунда маълумот ўқиши учун турли замонавий воситалар бехад қўпайиб, оммалашиб, қулашшиб, ўкувчиларни ўзига ром этган бўлса-да, китоб ўзининг қийматини йўқотгани йўқ. Китоблар барibir илм-маърифат манбаи ўлароқ китоб расталарини тўлдириб турибди. Дарҳақиқат, китобнинг ўрни бошқа. Ундан фойдаланиш учун электр токи, бирор жиҳоз ва шунга ўхшаш омиллар шарт эмас. У қачон қўл чўзсангиз, «Лаббай!» деб келадиган, то сиз зериккунингизча сиздан аrimайдиган энг вафодор дўстдир, сухбатдошдир. Ана шу эътибордан, таржима қилинган ҳикматларни китоб шаклида тақдим этилишини қўллаб-қувватлаш лозим.

Ушбу рисоладаги ҳикматлар маълум бир соҳага чекланмаган бўлиб, эркин мавзудадир. Унда инсоннинг Аллоҳ таоло билан бўладиган муносабатлари, бошқа инсонлар билан бўладиган алокалари ҳамда ички оламини назорат қилиш, кишининг ўз-ўзини тарбиялашига доир хилма-хил ҳикматлар мавжуд. Уларда саҳобаи киромлардан тортиб, бугунги кундаги донишманд инсонларнинг кўплаб қимматли фикр-мулоҳазалари ўз ифодасини топган. Ҳар бир ҳикматга маҳсус расм ишланган. Китобчадан кўзланган мақсадлардан бири – араб тилини янги ўрганган кишиларда таржима малакасини ошириш бўлгани боис, аввал суратларда ҳикматнинг арабча

матни берилиб, таржима сурат остида тақдим этилган. Бу ҳам яхши бир услуб: ўқувчи таржима қилишни ўрганиш билан бирга энг қимматли ва сара маълумотларга, илм-маърифатга эга бўлади.

Ҳикматларнинг кўпи халқ оғзаки ижодига айланиб улгургани учун кўп ўринда уларнинг муаллифи шахсан кўрсатилмаган. Аммо таржимонимиз омонат сифатида, уларни асосан қуидаги интернет саҳифаларидан олинганини айтади:

- 1) ثقہ نفسك
- 2) کلام من القلب
- 3) خذ الحکمة
- 4) بستان الحکماء
- 5) ثقافة حول العالم
- 6) الموسوعة بوك
- 7) ثقافة وعلوم
- 8) حکمة اليوم
- 9) عجائب وغرائب حول العالم
- 10) أقوال أعجبتني
- 11) كنوز من الحکمة
- 12) ذكر الله
- 13) عذب الكلام
- 14) عالم الثقافة والمعرفة

Ҳикматларни таржима қилишда имкон қадар ўртача йўл тутишга ҳаракат қилинган: бир йўла матнга ёпишиб олиб, айнан сўзма-сўз таржима қилишдан ҳам, матнни бир четга қўйиб, умумий маънони таржима қилишдан ҳам қочилган. Зеро, таржима тамоман сўзма-сўз бўлиб қолса, тил ўрганувчиларнинг малакасини ошира олмайди, натижада ўқувчи ғализ ва тор таржима қилишдан нарига ўта олмай қолади. Агар умумий мазмунни ўгиришга ўтилса, бунда ҳам ўқувчидаги таржима маҳорати шаклланмайди, матнни тўлиқ эмас, балки хулоса шаклида таржима қиласидаги ва қоидаларни ишлата билмайдиган бўлиб қолади. Агар ўқувчиларимиз ушбу таржимадан ва ундаги маънолардан озгина бўлса-да фойда олсалар, мақсадга етган бўламиз.

Аллоҳ талодан ушбу камтарона уринишни Ўз даргоҳида хусни қабул айлаб, барча китобхонларимиз учун манфаатли қилсин. Мұхтарам таржимонимиз Анвар Аҳмад жанобларига оиласиб баҳт-саодат, сўнмас ғайрат, ижодий ишларига барака ато этсин.

Ушбу «Ҳикматлар – саодатга етаклар» "الحكم - تقد إلى السعادة" китобининг кейинги қисмларини ҳам китобхонларга тез кунларда, янада юқорироқ савияда тақдим этиб боришлиарида Ўзи мададкор бўлсин.



445. Етим ҳолда дунёга келди.
Олийжаноб ҳолда умргузаронлик қилди.
Буюк ҳолда оламдан ўтди.
Халойиқнинг саййиди, Аллоҳнинг Расули Мұхаммад
соллаллоҳу алайҳи васаллам!



446. Жаннатдан бошқа ҳеч нарса кутиш учун ҳақли эмас.



فِي زَحْمَةِ الْحَيَاةِ لَا تَنْسِي ذِكْرَ اللَّهِ

447. Ҳаётнинг тангу торлигига ҳам Аллоҳни зикр қилишни унутма!



448. Замоннинг икки куни бордир. Бири фойдангга, бири эса зараринггадир.

Фойдангга бўлса, манманлик қилма!

Зарарингга бўлса, сабр қил!



449. Аллоҳим! Ҳолатимни ислоҳ қилинганды, ҳаётим баҳтиёр, орзуларим рүёбга чиққан холда Рамазондан чиқарғын. Яхшилик Сенинг Қўлингдадир. Сен ҳар бир нарсага қодир Зотсан!



450. Куръон ўқиганингда кўзларингга қарашиб савобини тортиқ қиласан, қулоғингга эшитишиб савобини тортиқ қиласан, тилингга эса нутқ савобини тортиқ қиласан.

Аллоҳим! Куръонни қалбларимизнинг баҳори айла!



451. Бир оғарыларнинг қулашидан хурсанд бўладиган кимса асло юқорига кўтарила олмайди!




452. Бир ҳаким зот айтдилар:
Ўзига ишонган киши ёлғон гапирмайди. Ўзини азиз деб билган киши хиёнат қилмайди.



453. Ўзингда йўқ бўлган нарсани эмас, ўзингда бор нарсани фикрла! Зеро, сенда бор нарса Аллоҳнинг марҳамати, сенда йўқ нарса Аллоҳнинг эса ҳикматидир.



454. Хато йўлда кийикдек учкур бўлганингдан кўра тўғри йўлда тошбақадек секин юрганинг афзал.



455. Сенга бало-оффат етса, ноумид бўлма!

Бало золим учун тарбияловчи одоб, мўмин учун имтиҳон, пайғамбарлар учун даражот, валий зотлар учун эса кароматдир.



456. Ҳеч ким оталарчалик эвазсиз баҳт-саодат ҳадя қила олмайди.



457. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

«Саҳарликнинг барчаси баракадир. Бир култум сув ичиб бўлса ҳам сахарлик қилинглар. Зеро, сахарлик қилувчиларга Аллоҳ азза ва жалла ва У Зотнинг фаришталари салавот айтишади».



458. Ғовак нарса сувни шимиб олгани каби, Куръон ҳам қалбдан хафаликни шимиб олади. Куръонни маҳзунликда ўқисанг, қалбингга малҳам бўлади, шод-хуррамликда ўқисанг, саодатингни янада зиёда қиласди.



459. Раҳм-шафқат сотилмайди ҳам, сотиб олинмайди ҳам. У покиза қалбларнинг тубига ўрнашган бўлади.



460. Ҳар бир қўрқув даҳшатдир, фақат Аллоҳдан қўрқувгина хотиржамлиkdir!

اذا غَضِبْ
أَحَدُكُمْ



فليتوضأ



قالَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : {إِنَّ الْغَضَبَ مِنَ الشَّيْطَانِ
وَإِنَّ الشَّيْطَانَ خَلَقَ مِنَ النَّارِ وَأَنَّمَا تُطْهِرُ النَّارَ بِالْمَاءِ فَإِذَا
غَضِبَ أَحَدُكُمْ فَلْيَتُوْضَأْ} رواه أبو داود .

461. Фазаблансангиз, таҳорат қилинг.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам: «Ғазаб шайтондандир. Шайтон эса оловдан яратилган. Олов сув билан ўчирилади. Бирортангиз ғазабланса, таҳорат қилсин», деганлар.

Абу Довуд ривоят қилган.



462. Мени лол қолдирған ҳикматлардан:

Хато ва гуноҳлар сени ҳар қанча булғамасин, Аллоҳга қайта-қайта мурожаат қилишда иккиланма!

Гуноҳ ва маъсият булути остидалигингда сени яшириб, гуноҳларингни ошкора қилмаган Зот сени тавба қаноти остида шарманда қилиб қўймайди.



463. Жисмнинг роҳати оз овқатланишда.

Нафснинг роҳати гуноҳни озайтиришда.


Қалбнинг роҳати эътиборнинг озлигида.

Тилнинг роҳати оз гапиришда.

Али ибн Абу Толиб




464. Аллоҳни севиб, Унга итоат қилган қалб жаннатга етишур, дейдилар.



465. Курашяпсанми, демак мағлуб әмассан.



466. Садақа ва эхсон қилған кишиңгдан дуо талаб қилма!



467. Мұхаббат қиссаларининг энг гүзали тун ярмидан сўнг бошланади. Бу – ҳушёр тортиб, покланиб, барча инсонлардан узоклашиб, Яратувчинг ва Ризқ берувчинг бўлмиш Зотга витр саждасида нидо қилған фурсатингдир.



468. Ғам-ғуссага ботганганинг одамларга хўмрайиб қарашингга сабаб бўла олмайди!

Ахир Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ғам юки энг оғир инсон бўлишларига қарамай, табассуми кўп зот эдилар.



469. Кечиримли, муруватли бўлинглар!
Жаннат салим, соғлом қалбга мухтождир!




470. «Рамазон» дармдондориси!

- * Тавба (хар гуноҳдан сўнг);
- * Хатми Куръон (кунига камида бир пора);
- * Зикр ва дуо (сахарда, тунда, ҳар доим);
- * Жамоат намози (Масжидларда. Кунига беш маҳал. Аzonдан сўнг).



471. Биз-ку қорнимиз очса, овқатланиш вақти келганини биламиз. Шундай одамлар борки, қорни очади, лекин қачон овқат ея олишни билмайди. «Алхамдуиллах» дейлик!



472. Куръон китобинг билан дўст бўлгин, чунки қайта тирилганингда у ўқиганларингни сўзлаб беради.



473. Энг улуғ баҳт-саодатинг – Аллоҳнинг қазо ва қадарига иймон келтиришинг ва «Роббим, мен учун яхши деб билган нарсангни ўзимга ихтиёр қил», деб такрор-такрор айтишингдир.



لو سكت من لا يعرف
لقل الخلاف

كنوز من الحكمة

474. Билмайдиганлар (илмизлар) жим турса эди, ихтилофлар камроқ бўлур эди.

تذروا :

مِهْمَا كَانَتِ الْمُصَابُ كَبِيرٌ

.. فِي اللَّهِ أَكْبَرُ

475. Унутманг! Мусибатлар ҳар қанча улкан бўлмасин, Аллоҳ буюкдир.



476. Худди ўзимиз фариштадек, бир-биirimизни ҳисоб-китоб қиласи. Ваҳоланки, Аллоҳ бизни ҳисоб-китоб қилса, кўпчилигимиз ҳалок бўламиз! Шундай экан, халойикни Яратувчисига қўйиб бер. Мулк ўз эгасиникидир. Яхиси, ўзингни ислоҳ қилавер!




477. Розилик мақоми Буюк Аллоҳнинг эшиги, дунёning жаннати, орифларнинг бўстонидир!



478. Луқмони ҳаким ўғлига деди:


«Дунё чуқур денгиздир. Кўпчилик унга ғарқ бўлди. Сенинг кеманг Аллоҳдан тақво қилиш бўлсин».



479. Олий чўққини забт этишда муваффақиятсизликка учрасангиз, нарвонни ва оёқларингизни ўзгартиришнинг кераги йўқ, ниятларингизни ўзгартирсангиз кифоя. Зоро, ниятларингизга қараб ризқланурсиз.



480. Агар ҳаёт(нинг ободлиги) учун бирор нарса қўшиб бормасанг, демак, ўзинг унда ортиқчасан!
Рофеъий.



481. Ўтиб кетган нарса учун қайғурган одам янчилган унни яна тегирмонда майдалаган кишига ўхшайди.

العشرة المبشرين بالجنة

«أبو بكر الصديق»
«عمر بن الخطاب»
«عثمان بن عفان»
«علي بن أبي طالب»
«الزبير بن العوام»
«طلحة بن عبيد الله»
«عبد الرحمن بن عوف»
«سعد بن أبي وقاص»
«أبو عبيدة بن الجراح»
«سعید بن زید»

482. Жаннат башорати берилган ўн саҳобанинг исмлари:

1. Абу Бакр Сиддик;
2. Умар ибн Хаттоб;
3. Усмон ибн Аффон;
4. Али ибн Абу Толиб;
5. Зубайр ибн Аввом;
6. Толҳа ибн Убайдуллоҳ;
7. Абдурраҳмон ибн Авғ;
8. Саъд ибн Абу Ваққос;
9. Абу Убайда ибн Жарроҳ;
10. Саъид ибн Зайд.

أوقات يسْتَجِبُ فِيهَا الدُّعَاءُ

- ١ في السجود
- ٢ جوف الليل الآخر
- ٣ عند النداء للصلوة المكتوبة
- ٤ عند نزول الغيث
- ٥ ساعة من يوم الجمعة
- ٦ دعاء الناس عقب وفاة الميت
- ٧ دعاء المسلم لأخيه المسلم
- ٨ دعاء المظلوم على من ظلمه
- ٩ ليلة القدر

483. Дуо ижобат бўладиган вақтлар:

- Саждаларда;
- Туннинг охирида;
- Фарз намозига аzon айтилганида;
- Ёмғир ёғаётганда;
- Жума кунидаги бир пайтда (яъни, икки хутба оралигида);
- Одамларнинг маййит вафот этгандаги дуоси;
- Мусулмоннинг ўз биродари ҳаққига дуоси;
- Мазлумнинг дуоибади;
- Қадр кечасидаги дуо.

لَا سَبِيلَ إِلَى الْهُدُوءِ

إِنْ كَانَ الضَّجِيجُ مَصْدَرَهُ أَعْمَاقُكَ

484. Безовталиктининг манбай қалбнинг тўрида бўлса, хотиржамлик ва ҳаловатга йўл йўқ.



485. Аллоҳга (бир ишни қилсамми, қилмасамми деб) истихора қилсанг-у, Аллоҳ сен яхши деб гумон қилган ўша ишингни бошқа томонга буриб юборса, сабрсизлик ҳам қилма, қайғурма ҳам!

Кунлар ўтиб, сенга кўринмаган ўша ёмонликнинг ҳақиқати кашф бўлур!

Роббингга фақат ишончда бўл!



486. Максадсиз инсон рулсиз кемага ўхшайди. Иккови ҳам охири бориб харсанг тошга урилади.



487. Эй дўст қидирган киши!
Энг афзал дўст мана шудир!



488. Дўстларинг соч толаларинг сонича бўлса ҳам зинхор фахрланма! Уларга ишинг тушганда сочинг йўқлигини биласан



489. Ўз вақтингни ҳам, бошқаларнинг вақтини ҳам тежа!

Ахмад ибн Ҳанбалга: «Ёлғончиларни қандай ажратасиз?» дейишиша, «Учрашув белгилайман, сўнг унга риоя қилишидан билиб оламан», деган эканлар.



490. Бир ҳаким зотдан «Сабр нима?» деб сўрашди. «Балога гирифтор бўлсанг ҳам, қалбингада «Алхамдулилаҳ»ни такрорлаб турмоғинг», деди у.



491. Дунё ўзини маҳкам қулфлаб олса, истиғфор калитидан фойдалан!



492. Гуноҳ ва маъсият қилмоқчи бўлсанг, ушбу уч оятни эсла:

1. «Аллоҳ уни кўриб туришини билмасми?!»
2. «Роббининг ҳузурида туришдан қўрққанлар учун икки жаннат бор».
3. «Ким Аллоҳга тақво қилса, (У Зот) унинг йўлини очиб қўяди».



493. Беш нарса беш нарса билан билинади:

- Дарахт мевасидан билинади.
- Хотиннинг кимлиги эри камбағал бўлиб қолганида билинади.
- Дўст қийинчилик пайтида билинади.
- Мўмин бало пайтида билинади.
- Сахий эҳтиёж пайтида билинади.



494. «Нима учун мен бу нарсага учрадим?» деб сўраганларга «Аллоҳ билади, сиз эса билмассиз» деган оят етарли жавобдир.



495. Бузук қалб қийшиқ михга ўхшайди. Ҳарчанд урсанг ҳам текис бўлмайди.



496. Мендан узоклашиб, ғойиб бўлганлар шу қадар кўпайиб кетдики, ҳатто кимни кутишни ҳам билмай қолдим!

عظ الناس ب فعلك،
ولا تعظهم بقولك

الحسن البصري

497. Одамларга сўзинг билан эмас, амалинг билан ваъз-насиҳат қил!

Ҳасан Басрий



498. Инсон рухи атиргулга ўхшайди. Аллоҳ зикри билан гуллаб-яшнайди, Аллоҳнинг зикрисиз қуриб-қақшайди.



499. Кўз йигиси шарманда қилади!
Қалб йигиси бўғизлайди!
Аллоҳдан қўрқандаги йиги фойда келтиради!
Аллоҳим! Бизларни Ўзингдан қўрқиб йиғлайдиганлардан қилгин!



500. Ҳаром нарса ҳаромлигича қолади, agar уни ҳамма қилаётган бўлса ҳам!


Ёлғиз ўзинг қолсанг ҳам, ўзлигингдан чекинма!



501. Жаннатда шундай уйлар борки, улар зикр билан барпо бўлади, дейдилар. Аллоҳни доим зикр қилиб юр!



502. Менда күрган нарсангга қараб муюмала қил, мен ҳақимда эшиитган нарсангга қараб әмас.



503. Бир кимса сабабли дунёдан нафратланган киши худди суваракдан қутулиш учун бутун уйига ўт қўйган кишига ўхшайди.



504. Ибн Касир айтадилар:

«Аллоҳ зикр қилувчиларга сўровчиларга берганидан кўпроғини ато этади. Шундай экан, Аллоҳни зикр қилинглар, У ҳам сизларни зикр қиласди!»



505. Бир аъробийга: «Роббингга чиройли дуо қила оласанми?» дейишди. «Ха», деди у. «Қани, дуо қил-чи?» дейишди. «Аллоҳим!

Сўрамасак ҳам бизга Ислом неъматини ато қилдинг. Энди сўраганимиздан – жаннатдан бизни маҳрум қилма!» деди у.



الاستعاذه سلاحنا ضد الشيطان

506. Паноҳ тиласи шайтонга қарши силоҳимиздир.



507. Аллоҳим! Бизни неъмат пайтида шукр қилувчилардан, бало пайтида сабр қилувчилардан ҳамда ҳар бир ишда Сени зикр қилувчилардан қилгин!



508. Аҳмоқ ва беақл инсон оз нарсани рүёбга чиқариш учун кўп нарсадан фойдаланиб, уни қўкка совуради.

ثلاث خضروات أحبها النبي ﷺ




509. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уч хил сабзавотни яхши кўрганлар: тарвуз, тарра, ошқовоқ.



510. Ёмон одамда илмнинг зиёда бўлиши заққумнинг* илдизида сувнинг зиёда бўлишига ўхшайди. Қанча суғорсанг, шунча аччиқ бўлаверади.

* Заққум - ниҳоятда аччиқ мевали ўсимлик.



511. Нима учун Аллоҳ таоло Қуръонни «шифо» деди, «даво» демади? Чунки даво баъзан шифо бўлади, баъзан шифо бўлмайди. Аммо Қуръон ҳар бир дардга шифодир.



512. Аллоҳнинг зикрини унуттирадиган неъматдан кўра Аллоҳга яқинлаштирадиган қийинчилик афзал.



513. Бир умр яхшилик қилиб, бир кун ёмонлик қилсам, бир умрни унутиб, ўша бир кунни эслашяпти.



514. Ҳар биримизнинг ҳаёт китобимизда бир фасл борки, у ўқишига яроқсиз.



515. Нематларнинг энг улкани қалбнинг суури, хотиржамлиги ва сокинлигидир. Зоро, қалб суурида фикрнинг событлиги, самарадорлик ва нафс хушнудлиги бордир.



516. Асалари фақат покиза нарсага қўнади ва ундан фақат пок нарса чиқади. Сен ҳам асалари каби бўл!



517. Дин фақат маросимлар эмас. У хаёт тарзидир.



518. Аллоҳ тўрт амал эвазига тўрт нарсани ваъда қилди:

- Шукр: «**Қасамки, agar шукр қилсангиз, албатта сизга зиёда қилурман**».
- Зикр: «**Бас, Мени эслангиз, сизни эслайман**».
- Дуо: «**Менга дуо қилинглар, мустажоб қилурман**».
- Истиғфор: «**Модомики истиғфор айтар эканлар, Аллоҳ уларни азобламайди**».

ياسين : تمنع عطش يوم القيمة

الواقعة: تمنع الفقر

الدخان: تمنع أهوال يوم القيمة

الملك : تمنع عذاب القبر

الكوثر : تمنع الخصومه

الكافرون : تمنع الكفر عند الموت

الاخلاص : تمنع النفاق

الفلق : تمنع الحسد

الناس: تمنع الوسواس

519. Ёсин сураси қиёматдаги ташналиктан асрайди.
 Воқея сураси камбағалликдан асрайди.
 Духон сураси қиёмат кунининг даҳшатидан асрайди
 Мулк сураси қабр азобидан асрайди.
 Кавсар сураси хусуматдан асрайди.
 Кафирун сураси ўлим пайтидаги куфрдан асрайди.
 Ихлос сураси нифоқдан асрайди.
 Фалақ сураси ҳасаддан асрайди.
 Нас сураси васвасадан асрайди.



520. Бугун истиғфор айтдингми?
 Астағфируллоҳаљазийм ва атуубу илайх.
 Буюк Аллоҳдан мағфират сўрайман ва Унга тавба қиласман.
 Астағфируллоҳаллазии лаа илааха илла ҳувал ҳайнул қойиум
 ва атуубу илайх.
 Ўзидан ўзга илоҳ бўлмаган, доимо тирик, доимо қоим
 Аллоҳдан мағфират сўрайман ва Унга тавба қиласман.



521. Муаммо гунох қилишда эмас. Ҳақиқий муаммо ўша гунох қилишда муаммо йўқ, деб билишдадир.



522. «Ажаб эмаски, ёқтирган нарсангиз сиз учун яхши бўлса» (*Бақара сураси*, 216-оят).



523. Истаган нарсангга етишиш учунгина сабр қилма! Балки «Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир» оятига биноан сабр қил!

Нима, Аллоҳ билан бирга бўлишни истамайсанми?



524. Икки ишнинг қайси бири тўғри, қайси бири хато эканига иккиланиб қолсанг, ҳавои нафсингга ёқмаганини қил, чунки ҳавои нафс кишини айбли нарсага етаклайди.



525. Ҳаёт бизни чегара билмас йўл узра етаклайди. Лекин Аллоҳга бўлган муҳаббат ва Унга нисбатан қилинган тақвогина кутқарув чамбараги (ёки нажот кемаси) бўлади.

يقول الحسن البصري - رحمة الله :
 " قرأت في تسعين موضعًا من القرآن الكريم ،
 أن الله قادر الأرقاق وضمنها بخلقه ،
 وقرأت في موضع واحد : الشيطان يعذكم الفقر
 فشككنا في قول الصادق في تسعين موضعًا ،
 وصدقنا قول الكاذب في موضع واحد "

526. Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳ айтадилар:

«Қуръони каримнинг тўқсон жойида Аллоҳ ризқларни ўлчаб қўйганини ва яратганларининг ризқига кафил бўлганини ўқидим. Фақат биргина ўринда «Шайтон сизларга камбағалликни ваъда қилур» дейилганинни ўқидим. Биз тўқсон жойида келган тўғри сўзга шак-шубҳа қиласизу, бир ўринда келган ёлғон сўзга ишонамиз!»



527. Аллоҳ таоло айтади:

«Ким Аллоҳга тақво қилса,

**У Зот унинг йўлини очиб қўюр.
Ва унга ўзи ўйламаган тарафдан ризқ берур.
У Зот унинг ишида осонлик қилиб берур.
Унинг гуноҳларини кечиур ва ажрини буюк қилиб берур» (Талоқ сураси, 2-5-оятлар).
Эй Аллоҳнинг бандалари, Аллоҳга тақво қилинг!**



528. Ухлашдан олдин қуидаги муҳим ишларни бажаргин:

- Таҳорат қил;
- Витр ўқи;
- «Оятал курсий»ни ўқи;
- Ётишдаги зикрларни айт;
- Мулк сурасини ўқи;
- Одамларни кечир;
- Тавба қил;
- Уйғотувчини («будильник»ни) созлаб қўй.

عندما كنت صغيراً تمرض
 ويسألك الطبيب: مما تشكو؟
 فتنتظر لأمك وتتركها تجيب
 لأنك تثق أنها تشعر بما تشعر
 به، فلا تنسى رعايتها وأنت
 كبير

529. Болалигингда касал бўлиб қолсанг, доктор: «Сени нима безовта қиляпти?» деб сўраса, онангга қараб, жавобни унга ҳавола қилар эдинг, чунки сен ҳис қилган нарсани онанг ҳам ҳис қилишини билардинг. Шундай экан, улғайганингда онангга эътиборли бўлиб, уни авайлашни унутма!



530. Инсон кечасими, кундузими – ухлаганда юзтубан ётмасин!

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Юзтубан ётиб ухлаш дўзах ахлининг ётишидир. Бундай ётганларга Аллоҳ азза ва жалла ғазаб қилур», дедилар».


Абу Довуд сахих санад билан ривоят қилган.



531. Хотиржам бўлинг... Аллоҳ бизни ғамга ботиш учун яратмади. У Зот мағлубиятга учраганимизда Унинг Ўзига қайтишни ўргатмоқчи, холос.



532. Роббингдан хавфу ражо орасида бўл, нафсингга эса тақиқ ва ҳадя орасида бўл! Шунда баҳтиёр бўласан.



533. Ақл камайған сари ғуур үе кибр ортиб бораверади.

يَقُولُ رَسُولُ اللَّهِ
**لَوْ أَنَّ ابْنَ آدَمَ هَرَبَ مِنْ رِزْقِهِ كَمَا يَهْرَبُ
 مِنَ الْمَوْتِ؛ لَأَذْرَكَهُ رِزْقُهُ كَمَا يُذْرِكُهُ الْمَوْتُ**




534. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:
 «Одам боласи ўлимдан қочганидек ризқидан қочса ҳам, ўлим
 уни топиб олгани каби, ризқи ҳам топиб олади».

Абу Нуайм Жобирдан ривоят қилган.




535. Ўкинма!

Ўкинч қалбни заифлаширади, қатъиятни сусайтиради, иродани заарлантиради. Шайтон учун мўминнинг хафа бўлишидан кўра севимлироқ нарса йўқ.



536. Сени ҳурмат қилганни сен ҳам ҳурмат қил!

Ўзингни хурмат қил – сени қадрламаган, беписанд
бўлганлардан узоклаш!



537. Бошқаларнинг розилиги учун ота-онангнинг ғазабини келтирма! Ахир сени дунёга келтиришда бошқалар жонини фидо қилмаган!



538. Роббим! Сен Енгиллаштирувчи, Осонлаштирувчисан!

Ишларимни осон қил, орзуларимни рүёбга чиқар. Мен учун нима яхши бўлса, уни менга бўйсундириб қўй.



539. Ўғлим! Тавбани кечиктирма, чунки ўлим тўсатдан келади!

Луқмони ҳаким.

إذا قرأت في الأدب تزداد رقة
وإذا قرأت في التاريخ تزداد عبرة
وإذا قرأت القرآن تزداد رقة وعبرة وأجرًا

540. Адабиёт ўқисанг, мулойимлик зиёда бўлур!

Тарих ўқисанг, ибрат зиёда бўлур!

Куръон ўқисанг, мулойимлик ҳам, ибрат ҳам, ажр ҳам зиёда бўлур!



541. Уч нарса аёллик латофатини камайтириб юборади: итоатсизлик, асабийлашиш ва овозни кўтариш.



542. Энг бахтлилар оддий ва соддадил кишилардир!



543. «Сүнгра, шундан кейин қалбларингиз қаттиқ бўлди – тошдек ёки ундан-да қаттиқ» (*Бақара сураси, 74-оят*).

Қалб қотишининг сабаблари:

- Гуноҳ ва маъсиятлар;
- Кўп кулиш;
- Аллоҳдан бошқага боғлиқ бўлиш;
- Нағма (**куй-қўшиқ**) эшитиш;
- Қуръондан узоқлашиш;
- Ёмон дўстлар билан юриш;
- Дунёга берилиб кетиш;
- Еб-ичишда исроф қилиш.



544. Гоҳида балога учрашинг азобланишинг учун эмас, тарбияланишинг учундир!



545. Умар розияллоху анху: «Одамлар билан уларнинг зоҳирига қараб муомала қилинглар. Уларнинг қалбидаги нарсага эса Аллоҳнинг Ўзи ҳукмрондир», дедилар.



546. Бандага дунё ва ундаги ҳамма нарса ризқ қилиб берилса ва у «Алҳамдулилах» деса, ўша пайтда Аллоҳ илҳом қилган ҳамд унга дунёда берилган неъматдан ҳам буюқдир. Зоро, дунё неъмати фони, ҳамдинг савоби эса бокийдир.



547. Хавотир эртанинг ташвишини тўхтатиб қолмайди, лекин бугуннинг шодлигини ўғирлайди.



548. Аллоҳим! Ким ифратни ният қилган бўлса, унга кўзни қувончга тўлдирадиган умр йўлдошини насиб қил!



549. Жажжи болажонларингиздан ҳаққингизга дуо сўранг!

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу йўлда ёш болани учратиб қолсалар, қўлидан ушлаб, «Болажоним, ҳаққимга дуо қил, чунки сен ҳали гуноҳ қилмагансан», дер эдилар.



550. Тухум ташқаридан синдирилса, унинг ҳаёти тугайди. Аммо у ичкаридан синдирилса, ҳаёт бошланади! Шундай экан, ҳар бир оқил кимса ўзгаришни аввало ичкаридан бошласин!



551. Истиғфорни кўпайтиринглар! Қанчадан-қанча истиғфорлар мусибатнинг мукофотга айланишига сабаб бўлган.



552. Аллоҳим! Қалбларимизни Ўзингга, сўнгра намозга, сўнгра Куръонга, сўнгра зикрга боғла... Бизни муваффакиятсизлик сўқмоқларидан узоқ қил! То Ўзингга йўлиққунимизча бизга событқадамлик насиб қил!



553. Бечора одамзот!

Камбағалликдан күркқанидек дўзахдан қўрқса эди, икковидан ҳам қутулган бўларди.

Дунёга қизиққанидек жаннатга рағбат қилса эди, икковига ҳам эришарди.

Зоҳирида халойикдан қўркқанидек ботинида Аллоҳдан қўрқса эди, дунё ва охиратда баҳтиёр бўларди.



554. Ҳаким зотдан сўрашди: «Инсон нима билан душманидан қасос олади?» У шундай деди: «Ўз-ўзини ислоҳ қилиш билан».



555. Кўз ёшлари қалбаги сўзлардир! Нутқ қилишга тилнинг, бардош ила кўтаришга қалбнинг қурби етмагач, у кўзлардан отилиб чиқади.



556. Мол-дунёни яхши кўрсанг, ҳисоб-китобни ҳам унутма!
 Қасрларни яхши кўрсанг, қабрларни ҳам унутма!
 Маъсият ва гуноҳларни яхши кўрсанг, тавбани ва гуноҳларни
 кечирувчини ҳам унутма!
 Махлукни яхши кўрсанг, Холиқни ҳам унутма!
 Дунёни яхши кўрсанг, охиратни ҳам унутма!



557. Жирканч нутфадан яралганмиз, аслимиз эса лойдандир!
 Кийганимизнинг энг олий навлиси (ипак) қуртдандир.

Таомларимизнинг энг ширини (асалари) ҳашаротдандир!
 Ётар жойимиз ер остидаги чуқурчадир!
 Шундай экан, такаббурликка не ҳожат?!



558. Кўпинча Қуръондан узоклашиб кетамиз-да, «Нима учун қалбларимиз ҳеч бир сабабсиз сиқилмоқда?!» деб сўраб қўямиз.



559. Маҳол иш – Аллоҳ сен учун тақдирга ёзмаган нарсадир.
У сен ожиз қолган нарса эмас!



560. (Қабр ичидан туриб олинган) мана бу сурат мени даҳшатга солди:

«Ҳар бир жон ўлимни тотувчиdir. Сўнgra Бизгагина қайтариурсиз» (*Анкабут сураси, 57-оят*).

Аллоҳим! Бизларга яхши хотима насиб қил!




561. Ҳар бир китоб жузъий камчиликлар учун узр айтиш билан бошланади! Фақат Қуръони Каримгина «Бу Китобда шакшубҳа йўқ!» деган сўзлар билан бошланади.



562. Маҳзун бўлма, деб айтмайман. Шод-хуррам, кулиб яша, деб ҳам айтмайман. Лекин билиб қўй: бу икки туйғуга ҳукмронлик қилишнинг имкони йўқ. Шунинг учун сизларга Аллоҳ таолонинг қўйидаги сўзини эслатаман, холос:

«Огоҳ бўлингизким, Аллоҳни зикр қилиш билан қалблар ором олур» (Раъд сураси, 28-оят).



563. Ҳар бир муҳаббатнинг азоб-уқубати бор. Фақат Аллоҳга бўлган муҳаббатдагина ҳаловат ва роҳат бор!



564. Мен ўз ниятимга қўра гапираман, лекин бошқалар ўзининг ниятига қўра шархлайди!



565. Коронги тушмасидан аввал кундузни мақтаб қўйма!
Бир ишнинг нихоясини кўрмай туриб ҳукм чиқариб қўйма!



566. Ишонч шишага ўхшайди. Сингач, асло аввалги ҳолига қайтмайди, гарчи уни таъмирлашга уринсанг ҳам...



567. Ҳақиқий айрилиқ сафар әмас, мұхаббат ҳижрони ҳам әмас, ота-она ёки ақа-уқаларнинг айрилиғи ҳам әмас, дўстлардан ажраб қолиш ҳам әмас. Ҳатто ўлим ҳам чинакам айрилиқ әмас, чунки биз охиратда тўпланамиз.

Ҳақиқий айрилиқ – биримиз жаннатда, биримиз дўзахда бўлишимиздир!

Роббим! Барчамизни жаннат ахлидан қилгин!



568. Ростгўйликнинг шундай бир ҳиди борки, у бурун билан эмас, қалблар билан ҳис қилинади!



569. Яхшиликни унинг аҳли бўлганларга ҳам, аҳли бўлмаганлар орасида қилавер. Агар аҳлига дуч келиб қолсанг, демак, ўша унинг аҳлидир. Бордию тўқнаш келмасанг, демак, сен ўзинг унинг аҳлисан!




570. Тунда таҳажжуд намозига туришга, кундузи нафл рўза тутишга қурбинг етмай қолса, билиб қўй, хатоларинг сенга чанг солиб, муваффакиятсизликка юз тутибсан!»

Фузайл ибн Иёз раҳимаҳуллоҳ сўзларидан.



571. Ер гуноҳлар сабабли торайиб кетур,
Осмон истиғфор сабабли кенгайиб кетур...



572. Агар одамлар сен билан шу дунёда рақобат қилиб, беллашса, дунёни уларга қолдир!

Агар одамлар сен билан охират хусусида рақобат қилиб, беллашса, уларнинг энг кўп беллашувчиси бўл. Зоро, Аллоҳ дунёни яхши кўрган ва яхши кўрмаганларига ҳам бераверади, аммо охиратни эса фақат яхши кўрганларига беради.



573. Ҳаётимдаги йўқотган нарсаларимнинг барчасини уларни йўқотиб қўйишдан қўрқаним учун йўқотдим.

لا تحرق قلبك بالحسد و لا تقتله بالحقد
 و لا تمرضه بالغل
 عش سليم القلب مرتاح البال
 و دع الخلق للخالق

Gihan Saleh



574. Қалбингни ҳасад билан күйдирма, нафрат ва гинахонлик
 билан ўлдирма, ғазаб ва кин билан касал қилма!
 Покиза қалб ва соғлом фикр ила яша!
 Халойиқни Яратувчига қўйиб бер!



575. Бир одам ўзи қилмайдиган ишни сенга насиҳат қилса,
 ҳайрон бўлма. Балки у ўзи қила олмаган ишдаги яхшиликини сенга
 илинаётгандир.



576. Шахсиятингни икки нарса белгилаб беради:

- Ҳеч нарсанг йўқлигидаги сабринг.
- Ҳамма нарсанг борлигидаги тасарруфинг.



577. Бир ҳаким зотдан: «Осмон нима учун мусаффо?» деб сўрашди. «Чунки у ерда башарият яшамайди», деди у табассум билан.



578. Аллоҳ сен учун тақсим қилиб қўйган нарсага рози бўл, шунда ўзинг билмаган ҳолда энг бой одам бўласан.



لَيْسَ كُلُّ مَنْ ظَهَرَ بِلُونَكَ وَ لِبَاسَكَ
هُوَ صَدِيقٌ... قَدْ يَكُونُ عَدُوًا

579. Ранги ва кийими сен билан бир хил кўринган ҳар бир киши ҳам дўст бўлавермайди. У душман бўлиши ҳам мумкин...



580. Шак-шубҳа хавфли дард бўлиб, юракдаги жасоратни барбод қиласи, қалблардаги муҳаббатни ўлдиради ва кўзлардаги иймон нурини ўчиради.

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم :

البركة تنزل وسط
الطعام ، فكروا من حافتيه
ولا تأكلوا من وسطه .

رواه الترمذى

581. Расууллар соллаллоҳу алайҳи васаллам:
«Барака овқатнинг ўртасига тушади. Демак, унинг атрофидан
енглар, ўртасидан еманглар», деб айтдилар.

Имом Термизий ривоят қилган.



582. Бир ҳаким зотдан: «Қандай одамларни қадрлайсиз?» деб
сўрашди. У шундай деди: «Ахлоқи олижаноб, сұхбати ғанимат,
нияти соғлом, ажралиш кулфат бўлган одамларни. Бундай одам


мушки анбарга ўхшайди, вакт ўтган сари қадр-қиммати ошаверади».



583. Аллоҳнинг ёпилмас эшиги очиқ турганида, одамларнинг эшикларига эҳтиёжим йўқ!



584. Кўз ёшини кулгига айлантириб юбориш шу қадар бебахо нарсаки, уни ҳеч нарсага тенглаштириб бўлмайди.



585. Бир киши: «Аёллар пойабзалга ўхшайди. Ўзингга муносибини топсанг, алмаштириб олаверасан», деди. Ёнидагилар ўша ерда ўтирган бир ҳаким зотдан: «Бу гапга нима дейсиз?» дейишиди. Шунда ҳаким зот: «Бу кишининг сўзи тўғри. Ўзини оёқ деб билган киши аёл кишини пойабзал ҳисоблайди. Аммо ўзини шоҳ деб билган киши учун аёл киши тождир. Бу кишини маломат

қилманглар, лекин унга ўзини ким деб билаётганини билдириб қўйинглар», деди.



586. Эркаклар ҳар доим ёдида сақлайдиган беш нарса бор:

- «Эркаклар аёлларга раҳбардир».
- «Ўзингизга ёқсан аёллардан иккитами, учтами, тўрттами, никоҳлаб олинг».
- «Сиз – хотинларнинг ҳийлангиз жуда зўрдир».
- «Бир ўғил учун икки қиз улуши баробарида мерос беришни амр қилур».
- «Аёлларнинг ақли ва дини ноқис».

Эркаклар унутиб қўядиган беш нарса бор:

- «Яхшиларингиз – аҳли аёлига яхши бўлганларингиздир».
- «Нозик ва заифаларга мулойим бўлинглар».
- «Аёлларга яхши муомалада бўлинглар».
- «Аёлларни олижаноб киши хурмат қиласи. Уларни пасткаш киши хорлади».
- «Хушхабар беринглар, нафрат қилдирманглар. Ҳар қанча уринсангиз ҳам, хотинлар ўртасида адолатли бўла олмайсизлар».



587. Садоқат дегани дүстинг билан узоқ вақт бирга қолиш әмас. Ҳақиқий садоқат – масофа узун ёки қисқа бўлишига қарамасдан, аҳдингда туришингдир.



588. Барча халқлар таржимасиз ҳам тушунаверадиган ягона тил табассумдир.



589. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:
«Ҳар бир диннинг хулқи бор. Исломнинг хулқи ҳаёдир»,
дедилар.

Ибн Можса ривоят қилган.



590. Бировларнинг пасткашлигини кўтариш учун ҳар бир инсоннинг чегараланган тоқати бор.



591. Күздан оқувчи ёш томчisi шундай бир фарёдки, уни фақат Аллоҳдан бошқа ҳеч ким эшитмайди.



592. Инсоннинг инсон билан бўлган муносабати машинанинг машина билан бўлган муносабатига ўхшайди. Агар ўзинг билан одамлар орасида кифоя қилгудек масофа қолдирмасанг, тўқнашув кўп содир бўлади.




593. Ким қалбини Аллоҳнинг зикри билан намлаб юрса, ҳаёт курғоқчилигига ташна бўлмайди:

«Астағфируллоҳаллазий лаа илааха илла ҳувал ҳаййул қоййум ва атубу илайх».

Маъноси: Ҳай ва Қоййум сифатли Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқдир, мен У Зотга истизфор айтиб, тавба қиласман.



594. Инсон ўзи тирик бўла туриб, кўнглидаги орзулари ўлик бўлса, ҳақиқий фожиа ана шудир.



595. Мол-дунё жуда арzon. Уни бой ҳам, камбағал ҳам, шоҳ ҳам, вазир ҳам қўлга киритаверади. Лекин жаннат жуда қиммат. Унга солиҳ амалинг билан эришмасанг, молинг ва тилланг билан эриша олмайсан.



596. Абу Бакр розияллоҳу анху айтдилар:
 «Уч нарсага уч нарса билан эришиб бўлмайди: бойликка орзу билан, ёшликка пардоз билан, соғликка дори-дармон билан».



597. Ушбу уч нарсага ишончинг комил бўлсин:

- Ҳеч ким сенга Роббингдан кўра меҳрибон бўла олмайди.
- Ҳеч ким сенинг ғам-ташвишларингни Роббингчалик билмайди.
- Роббингдан бошқа ҳеч ким сендан зарарни бартараф қила олмайди.


Шундай экан, Аллоҳдан ёрдам сўраб, Унинг Ўзига талпингин. Шунда ҳамма нарса ўйлаганингдан ҳам афзал бўлади.



598. Хайрли ишга бел боғлаб, унга киришиш жасурларнинг йўли, сабр эса мардларнинг сифатидир.



599. Донишманд деди:
 «Ғазабга мойиллик гўдакларнинг ахлоқидир. Қўлдан кетган нарса учун «дод-вой» қилиш хотинларнинг ахлоқидир».



600. Бало-оффатларга йўлиқишимиз гуноҳлардан тўхтаб, ўзимизни ўнглаб олишимиз учундир.



601. Уч нарса уч нарсага сабаб бўлади:

- Фаолликдан бойликка;
- Дангасаликдан камбағалликка;
- Очқўзликдан касалликка.



602. Садоқат – буюк шарафдир. Бирок у вафонинг маъносини биладиган одамларга муҳтождир. Манфаат кўзлайдиганларга эмас!



603. Қалбинг Аллоҳга муҳаббат билан тўлиб-тошса, одамларнинг қалби сенга муҳаббат билан тўлиб-тошади. Роббим, қалбимни муҳаббатинг билан бойитгин!



604. Тоат – қўрғон, қаноат – иззатдир.



605. Озгина муддат Қуръон тинглаш кайфиятингизнинг энг яхши ҳолатга кўтаради.


قال الحكيم :
من حزم الإنسان أن لا يخدع أحداً
و من كمال عقده أن لا يخدعه أحد



606. Донишмандлардан бири айтди:
«Инсоннинг ҳеч кимни алдамаслиги унинг ҳушёргидан, ҳеч кимга алданмаслиги эса ақлининг комиллигидандир».



607. Ўтмиш – маҳорат, юксак тажриба ва синовдан ўтган нарсалардир. Инсон уларсиз зулматга шўнғиёйди.



608. Насибадорлар учтадир:

- Дунё уни тарк қилмай туриб дунёни тарк қилган киши;
- Ота-онасидан айрилмай туриб уларга яхшилик қилиб қолган киши.
- Холиқига йўлиқмай туриб У Зотни рози қила олган киши.
Роббим, бизларни ана шулардан қилгин!



609. Ғазаб келганды оғир бўлишинг, (бахтни) ҳис қилмасангда, ўзингни баҳтиёр кўрсата олишинг, йиғламоқчи бўла туриб, табассум қилишинг, қалбинг азобда бўлса ҳам бошқаларга эътиборли бўлишинг ҳақиқий кучли инсон эканингнинг исботидир.




610. Сен ҳақингда бўлмағур гапларни айтишади, лекин ёнингда ўтиришса, муҳаббат изҳор қилишади, юзингга кулиб қарашади. Ана ўшалар энг жирканч одамлардир.

شفاء الجنان قراءة القرآن.



www.arabic.uz


611. Қалбларнинг шифоси Қуръон қироатидир.



612. Ҳаётни мустаҳкамлаб, давом эттириш учун баъзи нарсаларни унтишга ғоятда мухтожмиз!



613. «Наҳотки, сизларни яратишимиз беҳуда бўлган деб, Бизга қайтарилимассиз деб ҳисобласангиз?!» (*Муъминун сураси, 115-оят*)



614. Бир кун келиб ҳақиқат сенга азоб бермаслиги учун ўзингни одамлар қалбидаги юқори мартабага кўтариб юборма! Сен сабабли ўзларини қурбон қилишларини ҳам кутма! Тўқнашиб кетмаслик учун барча кишилардан кутган нарсангнинг даражасини пасайтири.




615. Агар тұда аъзолари бирлашса, шер оч ҳолида ухлайди.




616. Биз билан муомала қилаётган кишиларнинг зийрак ақлларига мухтож эмасмиз. Балки уларнинг мусаффо қалбларига мухтожмиз.

أَسْوَا النَّاسُ كُلَّا مِنْ إِذَا
 غَطَبَ مِنْكُمْ، أَنْكَرَ فَضْلَكُمْ،
 أَفْشَى سُرُكُمْ، جَدَّ
 عَشْرَكُمْ، وَقَالَ عَنْكُمْ
 لَيْسَ فِيهِ

617. Одамларнинг энг ахлоқизи шуки, сендан ғазабланса, фазилатингни инкор қиласди, сирингни фош қиласди ва дўстлигингни рад қилиб, сенда йўқ нарсаларни гапиради.



618. Аллоҳим! Ҳабибинг Мұхаммад алайҳиссаломнинг уйларида рукуъ ва сажда қилишни насиб қил!



619. Сукут жавоб беришнинг имкони йўқ дегани эмас. Сукутнинг икки мақсади бор:

- Майда-чуйда нарсаларга эътибор бермаслик;
- Гапиришдан фойда йўқ эканини ҳис қилиш.



620. Аллоҳ таоло: «Қуръонни тадаббур қилиб кўрмайдиларми? Ёки қалбларида қулфлар борми?» деган (*Муҳаммад сураси, 24-оят*).

Қалбинг қулфларини оч!

(Изоҳ: Ҳар бир оятни, ҳар бир сўзни чуқур тушуншига ҳаракат қилиши Қуръонни тадаббур қилишидир. Шунда парда кўтарилади, ҳамма нарса равшанлашади, қалб ҳаловат топади, виждан мусаффо бўлади. Қалбларда қулф бўлса, у ҳолда ҳамма нарса беркдир. Бундай қалбга ҳеч нарса, жумладан, Қуръон нури ҳам кирмайди.)



621. Бир ёш бола: «Менда сизга аталган катта маблағ бор», деса, унинг мавқеи ва даражасидан келиб чиқиб, «Ўн сўм берса керак», деб ўйлайсиз.


Агар банк мудири: «Менда сизга аталган катта маблағ бор», деса, унинг мавқеи ва даражасидан келиб чиқиб, «Миллион сўм берса керак», деб ўйлайсиз.

Агар подшоҳ: «Менда сизга аталган катта маблағ бор», деса, унинг мавқеи ва даражасидан келиб чиқиб, «Миллиард сўм берса керак», деб ўйлайсиз.

Шундай экан, оламларнинг Робби Аллоҳ азза ва жалланинг «Солих бандаларим учун жаннатда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган, инсон қалби ҳис қилмаган нарсаларни тайёрлаб қўйдим», деган сўзини ўқиб, нима деб ўйлаяпсиз?



622. Камбағаллик, хунуклик айб әмас, чунки бунга унинг ҳеч қандай дахли йўқ. Лекин бузуқ тил ва ёмон ахлоқ айбдир.



623. Одамларга доим ширин гапириб, уларни бунга ўргатиб қўйма. Чунки вазият жим туришингни тақозо этиб қолса, «Бизни ёқтирмай қолибди», деб гумон қилишади.



624. Муаммолар қанчалик катта бўлмасин, сабр қиласвер. Мўъжиза сониялар ичида юз беради, йиллар мобайнида эмас.



625. Аллоҳим! Борар жойимизни кенглиги осмонлару ерча бўлган, тақводорлар учун тайёрлаб қўйилган жаннатдан қилгин.



626. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қиёмат куни банданинг энг аввал ҳисоб қилинадиган нарсаси намоздир. Агар намози яроқли бўлса, бошқа амали ҳам яроқли бўлади. Агар намози яроқсиз бўлса, бошқа амали ҳам яроқсиз бўлади», дедилар.


Табароний ва Ҳоким ривоят қилишиган.



627. Аста-секин бўлса ҳам олдинга юравераман, асло ортга қараб юрмайман.

Роббим, мукаммал йўлдан юришимда ёрдам бер!

لَا تَنْتَظِرُ شَيْئاً بِلَهْفَةٍ ، فَإِلَّا قَدَارٌ
كُنْتَ أَنْ يَأْتِيَكَ كُلُّ شَيْءٍ فِي وَقْتِهِ



628. Бир нарсанинг амалга ошишини безовталик билан кутма!
Қазои қадарда ҳар бир нарсанинг вақти-соати ёзиб қўйилган.



629. Яхшиликларни фақат Аллоҳнинг Ўзидангина кутгин!



630. Аллоҳим, Сендан рад этилмайдиган дуо, ҳисоб-китоб қилинмайдиган ризқ ва ёпиб қўйилмайдиган жаннат эшигини сўрайман.



631. Аллоҳим! Бизга шундай бир тавба насиб қилгинки, ундан кейин гуноҳ ва маъсиятга қайтмайлик.

Аллоҳим, омийн!




632. Кечанг зое бўлган бўлса, олдингда бугун бор.

Аммо бугун ҳам жүнашга шай турибди. Бирок, олдинда эртанги кун ҳам бор. Бинобарин, кечаги кунга хафа бўлма, у барибир қайтиб келмайди. Бугунги кунингга ҳам афсусланма, у барибир жўнаб кетади.



633. Иблис айтди: «Одамзотни гуноҳлар билан ҳалок қилган эдим, у мени истиғфор билан ҳалок қилди».



634. Китоб жонсиз вараклар тўплами эмас, токчаларда яшаётган ақлдир.



635. Аёллар очиқ-сочиқ юришдан ўраниш томон қадам ташлагани сари Аллоҳ уларни эркакларнинг кўзига шунчалик гўзал қилиб кўрсатаверишини билишса эди...




636. Аллоҳим! Сенга сажда қила туриб, фикрим Сендан бошқага чалғигани учун мени кечиргин!



637. Роббим! Агар дуоимнинг ижобатини бирор гуноҳим тўсиб турган бўлса, уни мағфират қил!



638. Ҳабибим ва шафоатчим Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрмай туриб, у зотга муҳаббат қилдим.



639. Воқелик ва чиройли нарсалар орасида бир йўл борки, у сабр деб номланади.



640. Тўғри, бирор кишини ёқтирмасликка ҳаққинг бор. Лекин ёқтирган кишиингнинг обрўсини булғашга ҳаққинг йўқ!



641. Эй Робб! Эй Вадуд, эй Вадуд, Эй Вадуд, Эй Вадуд, эй улуг Арш эгаси, эй хоҳлаганини бажарувчи Зот! Ҳар юрак уриши ва кўз очиб-ёпилиши баробарида кушойиш, қутулиш, афв, омонлик ва иймонни насиб қил!



642. Аллоҳим, бизни бу дунё ҳаётида саъи-ҳаракатлари ботил бўлса-да, яхши иш қиляпман, деб ҳисоблайдиганлар қаторидан қилиб қўйма!



643. Гүзал сабр қила оладиган инсон бошқа ҳар қандай ишни ҳам гүзал шаклда рүёбга чиқара олади.



644. Ҳаётдаги кулгили уч босқич:

1. Ўсмирлик....

Вақтинг бор, куч-қувватинг бор, лекин қўлингда маблағ йўқ.

2. Етуклик...

Маблағинг бор, куч-қувватинг бор, лекин вақт йўқ.

3. Қарилик...


Маблағ ҳам бор, вақт ҳам бор, лекин куч-қувватинг йўқ.



645. Абу Саъид ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам то муъаввзатайни, (яъни «қул аъзу бироббили фалак» ва «қул аъзу бироббиннас» суралари) нозил бўлгунча жин ва инсоннинг кўзи тегишидан паноҳ сўраб юрардилар. Бу иккиси нозил бўлгач, уларни маҳкам ушлаб, қолганини тарк қилдилар».

Термизий ривоят қилган.



646. Нуринг зиё таратиши учун бошқаларнинг нурини ўчириш шарт эмас! Яхши амалинг одамлар баҳраманд бўладиган ёқимли бир ифордир.



647. Ёмғир томчилари тошни ҳам тешиб юборади: қўполлик билан эмас, балки майин ва такрор-такрор ёғиш билан.




648. Ҳисоб куни хусусидаги аксар фикрлар мени даҳшатга солади.

Ота-онангни қанчалик яхши кўрсанг ҳам, ҳасанотларингни уларга ҳадя қила олмайсан. Лекин ғийбат қилган кишинингни қанчалик ёмон кўрсанг ҳам, ҳасанотларингни унга улашиб юборасан.



649. Жим ўтирганингда сени аблаҳ деб гумон қилишлари гапириб қўйганингда ўша гумонлар ҳақиқатга айланганидан яхшидир.



650. Аллоҳим! Динимда, танимда, молимда ва аҳлимда балога гирифтор қилиб қўйма!



651. Бир киши имом Шофеъйнинг ҳузурларига келиб, «Фалон киши сизни ёмонлади», деди. Шунда имом Шофеъий: «Рост гапирган бўлсанг, чақимчи экансан. Ёлғон гапирган бўлсанг, фосиқ экансан», дедилар. У киши хижолат чекиб, жўнаб кетди.



652. Ҳаётингда икки нарсани – ишонч ва ваъдани зинҳор синдириб қўйма. Синдирсанг, улардан садо чиқмайди, лекин қўплаб ғам-андухларни келиб чиқади.



653. Кўп гап ақлнинг заифлигини кўрсатади.



654. Миқдом ибн Маъдикариб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳеч ким қўл меҳнати билан топиб еганидан яхши таом еган эмас. Аллоҳнинг набийси Довуд алайҳиссалом қўл меҳнати билан кун кўрар эди», дедилар».

И мом Бухорий «Саҳиҳ»да ривоят қилган.

الإعجاز العلمي في القرآن



يا كد جميع العلماء ان الاذن هو الشئ الوحيد الذى يظل يعمل في جسم الانسان ليربطه بالعالم الخارجي وهو نائم وتجد في الاية ان الله اختص الاذن وقال ضربنا على اذائهم وذلك ليبعدهم عن مؤثرات العالم الخارجي ليتأمموا 309 سنة في الكهف
 «الْخَنَدَلُ لِلَّهِ الَّذِي أَنْزَلَ عَلَى عَنْدِهِ الْكِتَابَ وَلَمْ يَجْعَلْ لَهُ عَوْجًا»

Bassem Tafash

655. Куръондаги илмий мўъжиза:

Аллоҳ таоло Каҳф сурасида: «Каҳфда (форда) уларнинг қулоқларига бир неча йиллар (парда) урдик», деган.

Уламоларнинг таъкидлашича, инсон ухлаганда уни ташқи оламга боғлаб турадиган бирдан-бир аъзо қулоқdir. For соҳиблари форда 309 йил ухлаб, ташқи дунё таъсирларидан узилишлари учун Аллоҳ таоло уларнинг қулоқларига парда уриб қўйган экан.

«Ўз бандасига Китоб нозил қилган ва унда ҳеч бир эгрилик қилмаган Аллоҳга ҳамд бўлсин» (Kaҳf surasi, 1-ojam).



656. «Батаңқық, мүминлар нажот топдилар.

Улар намозларида хушуъ қилувчилардир.

Улар беҳуда нарсалардан юз ўгирувчилардир.

Улар закотни адо қилувчилардир.

Улар фаржларини сақловчилардир.

Жуфти ҳалоллари ва қўлларида мулк бўлганлар бундан мустасно. Албатта, улар маломат қилинувчи эмаслар... Ким ана шундан бошқани талаб қилса, ана ўшалар тажовузкорлардир.

Улар омонатларига ва аҳдларига риоя қилгувчилардир.

Улар намозларини муҳофаза қилувчилардир.

Ана ўшалар ворис бўлувчилардир.

Улар Фирдавсни мерос олурлар, улар унда мангу қолувчилардир» (*Муъминун сураси, 1-11-оятлар*).



657. Биронинг ахлоқини билмоқчи бўлсанг, уни ғазабланган пайтида кўр.

Биронинг ривожланаётганини кўрмоқчи бўлсанг, ўзига ёмонлик қилганларга муомаласини кўр.

Биронинг ақлини билмоқчи бўлсанг, унинг фикрига қарши чиқадиганлар билан мулоқотини кўр!



658. «Роббим, мени ва зурриётларимни намозни тўқис адо этадиганлардан қилгин. Эй Роббимиз, дуони қабул этгин!». (Иброҳим сураси, 40-оят)



659. Қуръон китобингнинг устида чанг қўрсанг, ахволингга йиғлагин. Ким уч кун Қуръон тиловатини узрсиз тарк қилса, ҳожир (узоқлашган) деб аталади.

«Ва эслат. Албатта, эслатиш мўминларга манфаат берур».



660. Нифок қудуғига йиқилмаслик учун муомалага жуда зеб бериб юборма!

Сурбетлик ботқоғига ботиб қолмаслик учун бор гапни айтаверма!



661. Саждадаги энг ажайиб нарса шуки, бунда сен ернинг қулоғига пичирлайсан, аммо буни юқоридаги Зот эшитади.

قال الإمام حسن البصري
إن أهل التقوى علامات يعرفون بها :
 صدق الحديث .
 ووفاء بالعهد .
 وصلة الرحم .
 ورحمة الضعفاء .
 وقلة المباهاة للناس .
 وحسن الخلق .
 وسعة الخلق فيما يقرب إلى الله .
اللهم اجعلنا من أهل التقوى
يا رب العالمين ॥

662. Имом Ҳасан Басрий дедилар:

«Тақводорларни қуидаги аломатлардан таниб олиш мүмкин:

- Рост сўзлаш.
- Аҳдга вафо қилиш.
- Қариндошларга силаи раҳм қилиш.
- Заиф ва бечораларга раҳмдил бўлиш.
- Одамлар учун кам мақтаниш.
- Гўзал ахлоқ.
- Аллоҳга яқинлаштирувчи нарсаларда халойиқнинг олийжаноби.

Эй оламларнинг Робби! Бизларни тақво аҳлидан қил!



663. Ҳаётдаги аксар муаммоларимизнинг сабаби иккита:

- Ўйламай иш қиласиз.
- Ўйлайверамиз, лекин иш қилмаймиз.



664. Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:
«Набий соллаллоху алайхи васаллам: «Илмни ўрганган, лекин уни айтмайдиган киши худди хазина йиққан, лекин уни ишлатмаган кишига ўхшайди», дедилар».

(Табароний Абу Хурайрадан қилган ривояти)



665. Ташвишланиш ва хавотирланиш оёқсиз ўғридир, тонналаб бахт-саодатни ўғирлаб олади.



666. Сабр – ўзи аччик, лекин лекин натижаси гўзал дори кабидир. Аллоҳим, бизга гўзал сабр ато қилгин!